

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa
2021

Editorial Team

Editor-in-chief: *Gontarenko N.*

EDITORIAL COLLEGE:

W. Okulicz-Kozaryn, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

L. Nechaeva, *PhD, PNPU Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

K. Fedorova, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

ARCHIVING

Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](#) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.

PLAGIARISM POLICY

The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.

About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N (info@ejournals.id). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Равшанов Улугбек Рахбарович
Низомий номидаги Тошкент давлат
университети тадқиқотчиси

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКИСТАНА

Равшанов Улугбек Рахбарович
исследователь Ташкентский Государственный
университета имени Низами

Аннотация.

Мақолада Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий гоянинг ўрни ва уни амалга ошириш технологияларининг айрим жиҳатлари илмий жиҳатдан таҳдил этилган.

Калит сўзлар: миллий гоя, мафкура, маънавият, ислом дини, технология, сиёсий маданият, бунёдкор гоя, вайронкор гоя, сиёсий маданият, маънавий маданият.

Аннотация.

В статье анализируется роль национальной идеи в общественно-политической жизни Узбекистана и некоторые аспекты технологии ее реализации.

Ключевые слова: национальная идея, идеология, духовность, ислам, технология, политическая культура, креативная идея, деструктивная идея, политическая культура, духовная культура.

Abstarct.

The article analyzes the role of the national idea in the socio-political life of Uzbekistan and some aspects of the technology for its implementation.

Keywords: national idea, ideology, spirituality, Islam, technology, political culture, creative idea, destructive idea, political culture, spiritual culture.

Бугунги жаҳон ҳамжамиятида шиддатли кечётган глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида жаҳон халқлари ҳаётига, айниқса миллий манфаатларга хавф туғдирувчи таҳдидлар ҳам турли-туман шаклларда намоён бўлмоқда. Жамиятда турли касалликларни тарқалиши, одамларни таназзулда сақлаш, зўравонликни кучайиши, жиноятчилик, гиёҳвандчилик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, одамларни ўғирлаб сотиш, хусусан гиёсийсат ўзгариши натижасида: тероризм, наркобизнес, коррупция, трансмиллий жиноятчилик, диний экстремизм, молиявий инқроз, яширин ва ҳозирги вақтда очиқ миграция каби янги хавф-хатар шакллари вужудга келди. Бу таҳдидлар бир бири билан узвий боғлиқ ҳолда жамият ва шахслар ҳаётига хавф-хатар солиш билан тараққиётга



катта зарап келтиради.

Глобаллашув жараёнида миллий ўзликни англашга эҳтиёжнинг ошиб боришида миллий гояга яъни, миллий мафкурага эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда янгидан шаклланыётган миллий мафкура жамиятимизнинг мафкура соҳасидаги эҳтиёжлари асосида юзага келмоқда. Зарурият туфайли вужудга келаётган миллий мафкура бугунги кунда ўз функцияси орқали жамиятдаги маънавий ва мафкуравий муаммоларни бартараф этишда ҳамда халқимиз онгини сиёсий, хуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий томондан юксалтиришда фаол роль ўйнамоги керак.

Бизга маълумки, инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам фоялар муҳим ўрин тутади. Шу маънода, инсоният тарихини фоялар тарихи ҳам дейиш мумкин.

Ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қиласди. Улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади ёки улар асосида янги бир мафкурага асос солади. Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, фоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, фоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар фоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина фоя бўла олиши мумкин.

Илмий адабиётларда "фоя", "мафкура", "идея" ва "идеология" тушунчалари ишлатилмоқда. "Идея" ва идеология кўпроқ гарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. Идея ибораси юонон тилидаги idea сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (Idea - фоя, тушунча, logos - таълимот) атамаси эса фоялар тўғрисидаги таълимотни англатади.

Фояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. фоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Ҳар бир давлат ва жамият қурилиши бир-биридан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқ қилиб, бу уларнинг ривожланиш хусусиятларидағи ўзига хосликни белгилайди. Айни пайтда, дунёдаги барча давлатлар ва жамиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида умумийлик ҳам мавжуд. Бундай умумийлик реал ижтимоий асосларга эга бўлиб, у инсониятнинг умумий манфаат ва мақсадларини ифода қилувчи фояларда яққол кўринади. Хусусан, ижтимоий - тарихий тараққиётдаги умумийлик, мутаносиблик тамойиллари инсониятни бирлаштириш, уюштириш, жипслаштириш, ягона эзгу мақсадга сафарбар этиш жараёнида намоён бўлади. Умуман олганда, ҳар бир давлат ва жамият ривожланишида умумийлик, мутаносиблик билан бирга ўзига хослик ҳам бор. Бундай ўзига хосликнинг юзага келишига ўша даврдаги сиёсий тузум, иқтисодий ҳаёт, маданий турмуш, фоявий-мафкуравий муҳит таъсир кўрсатади. Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримов



таъбири билан айтганда, "Содда қилиб айтганда муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Бу - ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ"[1].

Бундан шундай холоса чиқариш мумкинки, ҳар қандай жамиятнинг у ёки бу даврдаги ижтимоий-сиёсий тараққиёти ворислик тамойилига эга бўлсада, бироқ у конкретлик хусусиятига эгадир. Конкретлик хусусияти ўз навбатида тараққиётнинг ҳар бир ижтимоий-сиёсий босқичининг мазмун, моҳиятини белгилаб беради. Бошқача айтганда, тарихий тараққиётнинг мавжудлик белгиси унинг фоявий-мафкуравий мазмунида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, тарихий тараққиёт билан фоя ва мафкураларнинг уйғунлиги инсоният ривожланишининг муҳим шартидир. Айни пайтда, ҳар қандай фоя ва мафкура халқ, миллатнинг туб манфаатлари асосидагина реал кучга айланиши мумкин.

Дарҳақиқат, миллий манфаатни ўзида ифода этган фоягина яшовчан бўлади ва унинг моддий кучга айланиш имкониятини яратади. Масалан, ҳозирги шароитда миллий мафкурамизнинг асосий фоялари шаклланиб бўлган. Улар халқимиз тарихий тараққиёти давомида синовлардан ўтган. Айниқса, уларнинг ичida Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги каби асосий фоялар ҳозир миллий мафкурамизнинг таянч фоялари ҳисобланади

Ушбу фоялар мазмун-моҳият жиҳатдан бир-бирини тўлдирадиган ҳамда мантиқан эгиз фоялар сифатида баҳоланиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фоя ва мафкуралар ҳукмрон сиёсий кучнинг вақтингчалик ва хато мақсадларини бажаришга қаратилганда уларнинг ижтимоий нуфузи йўқолади. Масалан, совет мустабид тузуми даврида халқимиз ўтмиши фақат урушлардан иборат тарих сифатида талқин этилди. Миллий озодлик ҳаракатлари, эрк, Ватан равнақи учун олиб борилган ҳар қандай қураш синфий қураш сифатида баён этилди.

Мустақиллик шароитида бой ўтмишимиз ва миллий маданиятимиз холисона, илмий асосда ўрганила бошлади, уларга тўғри ёндошув ва муносабатлар юзага келди Чунончи, Эрон ахмонийларига қарши Широқнинг, Искандар Зулқарнайнга қарши Спетаменнинг, араб фотиҳларига қарши Абу Муслим ва Муқанналарнинг, мўғул истилосига қарши Жалолиддин Мангуберди, Темур Малиқ, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Торобий ва бошқаларнинг, Амир Темурнинг саъи-ҳаракатлари, шунингдек, Пўлатхон, Дукчи Эшон қўзғолонлари - буларнинг бари ҳеч қандай "синфий қураш"га алоқаси йўқ эди. Бундай ҳаракатларни юзага келтирган, унга куч бағищлаган асосий омил миллий фоя бўлиб, унинг моҳиятини юрт озодлиги, тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроби бўлган миллий фоя ва мафкурани шакллантириш ва

халқимиз онгига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмоқда. Бу мафкура мустақиллик йилларида эришилган ғалабаларни, энг катта ютуғимиз бўлган истиқолимизни, Она Ватанимизни, фарзандларимизнинг баҳтли келажагини фидойилик билан ҳимоя қилиш, доимо хушёр ва сергак бўлишга ёрдам беради. Зеро, Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз - уни асраш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Шу маънода миллий гоя ҳар биримизнинг қалбимизга сингадиган, умумий формаиз, онгимиз, дунёқарашибимизнинг таркибий қисмидир.

Лекин бугунги шиддатли замон мафкуравий амалиётида миллий мафкура ўз функцияларини бажариш борасида рақобатдаги мафкуралардан анча ортда қолмоқда. Бунинг сабаби, жамиятда мафкуравий ишни нотўри йўлга кўйилганлигига эмас, аксинча, бизни бу тезкор тараққиёт даврида мафкура соҳасини тўла такомиллаштириб, уни амалга оширишда қатъият кўрсата олмаётганлигимиздадир.

Бугунги жамиятимизда мафкура соҳасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўлами кенг бўлиб, улар қуидагилар:

миллий мафкуранинг назарий концепциясини янада такомиллаштириш;

миллий мафкура амалиётига замонавий тарғибот технологияларини жорий этиши кабилардир.

Юқорида санаб ўтилган долзарб масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этилиши миллий мафкура асосида фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг гарови ҳисобланади. Агар, мазкур вазифалар бажарилмаса, миллий мафкура назарий жиҳатдан давр талабларига жавоб бера олмай, ўз ўрнини бегона мафкураларга бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бегона, вайронкор мафкуралар амалиётида эса, фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш эмас, кўпроқ уларнинг сиёсий хиссини жумбушга келтиришга ҳаракат қилиши эҳтимоллиги кучайиши кузатилади. Бунга мисол қилиб Грузия, Қирғизистон, Украина ёки араб давлатлари бўлган Ироқ, Сирия, Ливия кабиларни келтириш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, миллий мафкура назарияси ва амалиётини ислом дини (мафкураси)нинг аҳкомлари, ритмлари ва атрибутиларидан узид қўйиб бўлмайди. Чунки, ислом дини бизнинг миллий ўзлигимизни англашда бирламчи асослардан ҳисобланади. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ўз фикрини билдирган холда 2017 йил 16 декабрь куни Қорақалпоғистонга қилган сафари давомида Нукус шаҳридаги "Имом Эшон Муҳаммад" жомеъ масжидида "Ислом динини тўғри ташвиқот қила олсан, ҳалқа етказа олсан, бошқа давлатларда Ислом динини ўзига ниқоб қилиб, бошқа йўлларга юраётган болалар, шу терроризм, диний ақидапарастлик каби нарсалар бизга ёт бўлиши керак"[2], дея таъкидлаган эди. айтади. Президентимиз айтиётган ушбу фикрлар миллий мафкура назарияси ва амалиётида акс этса албатта, ислом омили ўлароқ фуқароларнинг миллий мафкура таъсирига берилишида ижобий ҳолат вужудга келади. Бу холат жамиятда миллий мафкура таъсирини орттириб, шу асосида фуқаролар сиёсий онги ва маданиятини ривожлантириш имкониятини кенгайтиради.



Мазкур вазифалар қаторида, миллий мафкура амалиётига замонавий тарбибот технологияларини жорий этиш ҳам жуда муҳим.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фуқароларнинг сиёсий онги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ти ПФ-4947-сон Фармони[3]да белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида жадал ривожланиш босқичига кирди. Бу жараёнлар мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичи бошланганидан дарак беради. Шундай вазиятда фуқаролар сиёсий онгини ривожлантиришга мўлжалланган мафкуравий тарбибот назариясини такомиллаштиришнинг ўзи етарли эмас. Бизнингча, миллий мафкуруни такомиллаштириш, албатта, унинг амалиётига замонавий тарбибот технологияларини жорий этиш орқали ҳам амалга оширилиши лозим.

Айтиш лозимки, бугунги давр кишилари собиқ совет давридаги мафкуравий тарбибот технологияларини қабул қила олмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирда нафақат миллий мафкура назарияси ва айни вақтда унинг тарбибот технологияларини ҳам такомиллаштириш лозим.

Ҳозирги давр ахборот коммуникация технологиялари ривожланган давр. Бугунги кунда ахборот технологияларига мурожат қўлмаган, ундан фойдаланмайдиган соҳани топиш жуда мушкул. Шу боис даврнинг мазкур ўзига хослигидан миллий мафкура тарбибот технологияларини қўллашда унумли фойдаланиш зарур. Бизнингча, бу ишларни амалга ошириш учун:

олий таълим муссасаларида сиёсий ва мафкуравий соҳада мутахассис бўлиб етишадиган талабаларни тайёрлаш жараёнига миллий гояни ахборот технологиялари орқали тарғиб қилиш технологияларини ўргатишига мўлжалланган ўқув дастурлари, маънавий-маърифий тадбирлар дастури ва имтиҳонлар дастурини киритиш;

сиёсий ва мафкуравий соҳада фаолият юритадиган (масалан, барча сиёсий партиялар, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва бошқа шулар каби) муассасалар тузилмасида миллий гояни ахборот технологиялари орқали тарғиб қилишига мўлжалланган бўлимларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир[4].

Таъкидлаш керакки, юқоридаги йўналишлардаги вазифалар амалга оширилиши баробарида ахборот технологиялари оламида миллий мафкура тарбиботи учун янги, кутилмаган, яширин усул ва технологияларини излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш зарур.

Умуман олганда ижтимоий тармоқлардаги ушбу мавзудаги баҳс-мунозаралар биринчидан, фуқароларимизда тил, миллат ва давлатни асраршга бўлган муносабат туйгуси юқори даражада эканлиги, бу туйгу тил, миллат ва давлатга дахл бўлганда жуда тез уйгониши, бирлашишини яна бир бора исботлади.

Иккинчидан, ушбу жараён орқали оддий фуқаролар билан расмий шахслар ва мутасадди ташкилотларнинг нуқтаи назарини яқдиллаштириди.



Учинчидан эса, ушбу ҳолат юқорида биз таклиф этган мафкуравий амалиётда салбий холатлар орқали эзгуликни уйғотиш мумкинлигини яна бир бор исбот қилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда айтиш мумкинки, ҳозирда миллий мафкура тарғиботи учун "кутилмаган фикрлар орқали миллий бирликни таъминлаш" усули ёки технологиялари билан фуқаролар бирлигини мустаҳкамлаб бориш яхши самара беради. Бу усуллар аввалги давр тарғибот усулларидан тубдан фарқ қиласди. Аввалги мафкуравий тарғибот усулларида фуқаро обьект сифатида қараладиган бўлса, бугунги кун учун янги бўлган юқоридаги каби усулларда фуқаро сиёсий-мафкуравий жараённинг субъекти деб қаралади. Бу жараёнда фуқарода мустақил фикрлаш ва мустақил танлаш имкони вужудга келади. Эркинлик ва мустақилликка асосланган бу каби мафкуравий тарғибот технологиялари фуқароларда сиёсий онг ва сиёсий маданиятни онгли, рационал ривожланишини таъминлаб беради.

Хулоса қиласиган бўлсак, бугунги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва жамият барқарорлигини таъминлаш учун миллий мафкурага жуда катта эҳтиёж мавжуд. Мазкур эҳтиёж миллий мафкура томонидан қондирилиши учун эса, аввало миллий мафкуранинг концепциявий асосини янада такомиллаштириш кун тартибида чиқмоқда.

Шунингдек, бугунги кун ижтимоий-сиёсий ҳаётида бевосита миллий мафкура концепциясига дахлдор бўлган "маънавият" тушунчасининг миллий мафкурасини фуқаролар онига сингдириш жараёнида ҳаддан зиёд кўп қўлланилаётганлиги борасида эътиrozлар айтилмоқда. Бизнингча, маънавият тушунчасидан миллий мафкура назариясида камроқ фойдаланиш, аниқроги уни яширин (латент) ҳолга келтириш ҳамда уни амалий аҳамиятини кўпроқ тарғиб этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. Т.: Ўзбекистон, 2003. - 17-18.

2.Мирзиёев Ш.М.: "Ислом динини халқа етказиш керак". <https://azon.uz/content/views/shavkat-mirziyoev-islom-dinini-halqqa-et> (олинган сана 17.12.2017).

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлар тўплами.- Т., 2017.- Б.37

4.Бёме Я. Ҳақиқат манзаралари 96 Мумтоз файласуф. ТОШКЕНТ. "Янги аср авлоди", 2011. -250-бет.